

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Низомий номидаги ТДПУ

СУЛТОНОВ МУХТОРАЛИ

**МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ-
НИНГ ЎҚУВ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

Методик қулланма

ТОШКЕНТ - 2016

Бошланғич синф ўқувчисининг тафаккури ўзига хосдир: бу эса унда турли тафаккур шаклларига қобилиятлар ҳали ривожланмаганлиги билан ифодаланади. Табиийки, бу ўқитишда маълум қийинчиликлар яратади. Бу ёшда болалар юқорида тилга олинган логик операцияларни эгаллайдилар. Бу она тили, математика каби маткаб ўқув фанларини ўрганишда равshan кўриниб туради. Ушбу методик қўлланма бошланғич синф ўқитувчилари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари, магистрлар, педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежи ўқувчилари фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Тақризчилар :

педагогика фанлари доктори, профессор
педагогика фанлари номзоди, доцент

Б.Абдуллаева
М.Э.Жумаев

Низомий номидаги ТДПУ илмий кенгашининг «----» _____
йил _____ сонли қарори билан нашрга тавсия этилган

2012

КИРИШ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар тизимларини тубдан, босқичма-босқич ислоҳ қилиш зарурияти сезилиб, асло пайсалга солиб бўлмайдиган бу ишни қадам-бакадам, изчилик билан бажаришга киришилгани хақида фикр юритиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деган эди «Мен жаҳон тажрибаси ва ҳаётда ўзини кўп бор оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, агар бу мақсадларимизни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги, «портлаш эффиқти»га, яъни, янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз». ¹ деб таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятни барпо этиш- устивор мақсадимиз” ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 2010 йил 29 январ куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиётини ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтириш” мавзуларидаги маърузалари мазмун-моҳияти ва ундаги хуносаларни ўрганиш юзасидан Вазирлар маҳкамасининг 2010 йил 23 февралдаги 101-Ф – сонли фармойиши билан тасдиқланган ташкилий тадбирларни амалиётга жорий этиш жамиятимиздаги кун тартибидаги бош масалалардан биридир ². Президентимиз ўз маърузасида “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятни барпо этиш устивор мақсадимиз” деган фикр муроҳазаларидан жамиятимизда баркамол авлодни тарбиялаш бошланғич таълимнинг асосий вазифалардин бири эканлиги **гавдаланди**. Айниқса, бўлажак бошланғич синф ўқитувчлари таълим ва тарбиянинг туб мақсади кучли фуқаролик жамиятининг барпо этилишига хизмат қилиши асосий мақсадимиз эканлиги Шарқона тарбия мазмунида ҳис этилиши зарурияти мавжуддир.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов Республикаизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ва истиқболлари ҳақида кўрсатмалар берар экан, ўқитувчининг таълим жараёнида “Менинг айтганим айтган, деганим деган“ тамойилини ўринли танқид қилиб, мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши зарурлигини таъкидлаб шундай деган эди: “Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон мустақил фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар мустақил фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиқдир”³. Ушбу фикрлар олий таълим тизимиға ҳам бевосита даҳлдордир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисидаги Қарорида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўйилган вазифаларда“ таълим жараёнига янги ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарслклар, мультимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва Олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш самарали тизимини янада ривожлантириш” кўзда тутилганлиги долзарб вазифаларимиздан биридир.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. –Т: Маънавият, 2008- 63- б.

² Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш- устивор мақсадимиз”. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси. Адолат газетаси. Тошкент- 2010 йил, 29 январь. №4 (761) 1-3 бетлар

³ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойdevori. – Т: Шарқ, 1997. – 22-б.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ УҚУВЛАРИ ТУШУНЧАСИ

Хозириг замон шароитларида “интеллект”нинг етмишдан ортиқ турли таърифлари маълум бўлиб, уларнинг таҳлили бундай хулоса қилишга имкон беради: у анча кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда унинг бир маъноли талқини йўқ.

“Интеллект” ва “тафаккур” тушунчаларини айнанлаштирадиган ёки яқинлаштирадиган бир қатор таърифлар мавжуд. Фалсафадан энциклопедик луғат интеллектни ҳиссиёт, ирода, интуиция, тасаввур ва ҳ.к.лар каби қобилиятлардан фарқли ўлароқ, тафаккур қобилияти, рационал билиш қобилияти сифатида талқин қиласди.

“Интеллект”, “тафаккур”, “синергетик тафаккур стили”, “уқув”, “интеллектуал уқув”, “ўқув-интеллектуал уқув” тушунчаларининг мазмунини аниқлаштириш ва шунингдек, бошлангич синф ўқувчиларининг ўқув-интеллектуал уқувлари критерийлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишга бағишиланади.

Психолого-педагогик адабиётлар таҳлилиниң кўрсатишича, мазкур тушунчаларни айнанлаштиришнинг ноўринлигини кўрсатувчи бир қатор таърифлар ва муаллифлар нуқтаи назарлари мавжуд.

Психологияда “интеллект” тушунчаси индивид ақлий қобилиятларининг нисбатан барқарор структураси сифатида очиб берилади, шу билан бир вақтда тафаккур индивид билиш фаолиятининг жарёни сифатида муҳокама қилинади.

С.Л.Рубинштейн тафаккур операцияларининг мустаҳкамланиши ва такомиллашиши жараёнида “тафаккур” шаклланади ва кейин қобилият сифатида интеллект қарор топади” – деб кўрсатади. Бу қоида бу тушунчаларнинг узвий ўзаро боғлиқлигини ва шу билан бир вақтда, уларнинг мустақил аҳамиятини ва айнанмаслигини кўрсатади.

Шуни қайд этиш лозимки, юқорида келтирилган нуқтаи назарлар бу тушунчаларни айнанлаштириш ножоиз эканлигини кўрсатади ва “интеллект” тушунчаси муаммосини ўрганишга оид умумпсихологик ёндошувни акс эттиради.

Биз интеллектнинг умумпсихологик талқинига амал қилувчи олимларнинг нуқтаи назарига қўшиламиз. Биз тафаккур операциялари (таҳлил, синтез, фикрлаш, хулоса чиқариш ва ҳ.к.лар) мустақил категориялардир деб ҳисоблаймиз.

Аммо, шу нарса ҳам маълумки, тафаккур – бу фаолият бўлиб, у интеллект ташувчиси томонидан амалга оширилади. Шунинг учун интеллектни, энг аввали, тафаккурлашга юқори ташкил этилган қобилият сифатида муҳокама қилиниши зарур.

Юқорида қайд этганимиздек, ўтказаётган тадқиқотимиз доирасида биз интеллектнинг умумпсихологик талқинига таяномиз, унга асосан тафаккурнинг ривожланиши интеллектуал ривожланишнинг томонларидан биридир. Шу сабабли “тафаккур” тушунчасининг муҳокамасига тўхталишини зарур деб ҳисоблаймиз.

Кичик мактаб ёшида бу тушунча ва ҳамма логик операцияларни бирданига эгалланиши мумкин эмас, лекин ўқувчилар уларга 2-синфдаёқ дуч келади-

лар. Бироқ ўқитиши шундай ташкил этиш керакки, бунда ўқувчилар операцийарни аста-секин эгалласинлар ва бунда уларнинг тафаккури ҳисобга олинсин.

Бошлангич синф ўқувчининг тафаккури ўзига хосдир: бу эса унда турли тафаккур шаклларига қобилиятлар ҳали ривожланмаганлиги билан ифодалана-ди. Табиийки, бу ўқитиши маълум қийинчиликлар яратади. Бу ёшда болалар юқорида тилга олинган логик операцияларни эгаллайдилар. Бу она тили, математика каби маткаб ўқув фанларини ўрганишда равшан кўриниб туради.

Мактаб ўқувчиларини тафаккур саъй-ҳаракатларига ўргатишида иккита фолиятили ўқитиши назарияси кенг қўлланишга эга бўлди: биринчи мактаб вакиллари интеллектуал операцияларни шакллантириш ва ривожлантириш назариясини ишлаб чиқиши .

Бу назариянинг бош ғояси қўйидагича: билимларни ўзлаштириш ўқувчилар томонидан фақат маълум саъй-ҳаракатлар тизими бажарилиши натижасида содир бўлади. Саъй-ҳаракат ўзи устида бажарилаётган предмет билан функционал боғланган, ўз ичига мазкур предметни ўзгартириш мақсадини ва бундай ўзгартириш воситасини олади.

Буларнинг ҳаммаси биргаликда шакллантирилаётган саъй-ҳаракатнинг ижро қисмини ташкил этади. Бунда саъй-ҳаракат таркибига саъй-ҳаракатнинг ориентирланиш асоси киради.

Ақлий ривожланиш назарияси муаллифлари интеллектуал уқувлар шаклланишининг қўйидаги босқичларини ажратишиади:

- 1) уқувларни қўллаш тажрибасини аниқлаш билан тавсифланувчи босқич;
- 2) ташхислаш босқичи, бунда уқувларнинг шаклланганлик даражалари аниқланди;
- 3) мотивация босқичи;
- 4) услубдан фойдаланиш алгоритмини англаш босқичи;
- 5) бевосита қўллаш ҳамда бошқа предметлар ёки бўлимларга кўчимриш босқичи.

Хозирги замон тадқиқотлари натижасида фанга “синергетик тафаккур стили” тушунчаси кириб келди.

Синергетик тафаккур стили – бу кўп томонлама, ночизиқли, очиқ тафаккур, тушунчали ва образли тафаккур мажмуи ва гармоник бирикуви.

Бу муаллиф томонидан синергетик тафаккур стилининг хусусиятлари аниқланган бўлиб, улар жумласига қўйидагилар киради:

- муҳокаманинг масштаблиги (кенг қўламлилиги), умумийлиги;
- тўлдирувчанлик (онгли ва онгостнинг, ақлий ва эмоционал-хиссийнинг, рационал ва иррационалнинг, эмоционал-эстетикнинг бирлиги);
- тизимлилик – билимларда ғояли-тушунчавий структуранинг мавжудлиги;
- онглилик, ўзини ўзи англаш;
- ҳодисаларнинг ўзларининг табиатини тадқиқ қилиш (герменевтика).

Мазкур хусусиятлар синергетик тафаккур стили абстракт-логик тафаккур стилидан кенгроқ ва чуқурроқдир. Унда интеллектуал ва эмоционал асослар уйғун бирикади, тафаккурнинг онгли ва онгост компонентлари мувофиқлашади, ташқи ва ички оламларнинг (инсон, табиат, тафаккурнинг) гармонияси

(уйгунлиги) зарурлиги англаанди.

Мазкур тадқиқотни таҳлил қилиб, биз синергетик тафаккур стилини шакллантириш муаммоси катта мактаб ёши доирасида долзарб деган хулосага келдик. Мактаб таълим мини модернизациялаш мактаб битиувчисининг тафаккурига юқори талаблар қўймоқда. Бу ердан оммавий тафаккур ўқувчиларда ривожланадиган билимлари, уқувлари ва малакалар ҳамда ҳозирги замон мактабига қўйилалётган янги талаблар орасида зиддиятликлар юзага келмоқда. Биз синергетик тафаккур стилини унинг хусусиятлари, хоссалари ва сифатларини ҳисобга олган ҳолда мактаб таълим мининг юқори бўғинидан бошлаб шакллантирилиши таълим стандартини самарали амалга оширилишига ёрдам беради деб хисоблаймиз.

Бу ерда қўйидаги савол юзага келади: юқори синфлар ўқувчиларида синергетик тафаккур стилини шакллантириш муваффақиятли бўлиши учун қандай ишни, қандай шароитларда, қайси ёшдан бошлаб ўтказилиши лозим?

Бу тафаккур интеллектуал сферага таяниши сабабли, бошлангич синф ўқувчида кейинчалик синергетик тафаккур стили шаклланишининг муваффақиятли бўлиши учун асослар яратадиган маълум уқувлар, энг аввало, интеллектуал уқувлар гурӯхини топиш зарурати юзага келади.

Мактаб ўқувчисида интеллектуал уқувларни ривожлантириш муаммоси психология ва педагогикада илгаридан ва самарали ишлаб келинмоқда. Интеллектуал уқувларни шакллантириш муаммосини ҳал этишнинг назарий асослари бир қатор психолого-педагогик тадқиқотлардан кенг ўрин олган.

Дидактик адабиётларда уқувларнинг турлича таснифлари мавжуд (1-жадвалга қ.). Бу таснифларнинг таҳлили бундай хулоса чиқаришга имкон берди: уларнинг кўпчилиги мактабнинг ўрта ва юқори бўғинига мўлжалланган, уларнинг кўпчилигига интеллектуал уқувлар гурӯхи эмоционал ва иродавий характеристикалардан ажратилган ҳолда ажратилади. Ҳозирги замон психологияси интеллектуал уқув (ёки ақлий фаолият услуби) дейилганда [138; 40-бет] анъана бўйича у ёки бу тафаккур операциясини амалга оширишнинг рационал услугини билиш ва бу услуг қўлланилиши мумкин бўладиган турли масалаларни ечишда ундан фойдаланишни назарда тутиладиган уқув тушунилади.

Мактаб ўқувчиларида интеллектуал уқувларни шакллантириш муаммоси ва бошқаларнинг тадқиқотларида амалий ечимлари ва методик тавсиялари билан муҳокама қилинади.

1-жадвал

Мактаб ўқувчилари ўқув уқувларининг асосий таснифлари

№	Муаллифлар	Уқувлар таснифи
1	Ю.К.Бабанская,	Ўқув-интеллектуал, ўқув-ташкилий, ўқув-ахборот уқувлари (таснифнинг асосида фаолият услубларини онгли эгаллаш ётади)
4	И.Я.Лернер	Интеллектуал; предметли; предметлааро; предмет-уст уқувлар
6	Р.С.Немов	Ҳаракат; билиш; назарий уқувлар (яхлитлик абстракт тамойили билан боғланган)
7	А.В.Усова	Фаолият характери бўйича (амалий; билиш; ўз

		ўзини назорат уқувлари) ва шунингдек, умумўқув ва специфик уқувлар
8	Т.И.Шамова	Умумий; махсус; интеллектуал уқувлар

Мактаб ўқувчилари интеллектуал уқувларининг таснифи

№	Муаллифлар	“Интеллектуал уқув” таърифи	Интеллект турлари
1	Б.Р.Қодиров	Бу ўқув у ёки бу тафаккур фаолиятини амалга оширишнинг рационал услугбини билиш ва бу услуг қўлланилиши мумкин бўлган масалаларни ечишда ундан фойдаланишин назарда тутади	Таҳлил, синтез, умумлаштириш, таққослаш, конкретлаштириш, эгаллаш, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашга қурилган
2	Р.Суннатова	Ақлий фаолият услугларини онгли эгаллаш	Тафаккур операцияларини эгаллаш, асосий, муҳимни ажратиш
3	З.Т.Нишанова	Илмий билиш методларидан фойдаланиш ва ҳодисаларни тавсифлаш уқуви	Моделлаштириш, англаш уқуви, фаолият натижасини талқин қилиш, алгоритмларни топиш уқуви ва бошқ.

Психолого-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш натижасида бундай хулоса қилиш мумкин: аксарият тадқиқотларда интеллектуал уқувлар фаолиятли ёндошув нуқтаи назаридан муҳокама қилинади. Ақлий ривожлантиришнинг асосий шароитларидан бири ўқитиш жараёнида ўқувчиларининг ақлий фаолиятини тегишлича ташкил этишdir.

Мазкур масалани ўрганиш жараёнида биз қўйидагиларни аниқладик: бугунги кунда “ўқув-интеллектуал уқуви” тушунчасининг ягона талқини йўқ; мазкур уқувлар гурухининг бир маъноли таснифи мавжуд эмас; баъзи бир муаллифлар, бизнинг фикримизча, “интеллект уқув” ва “ўқув-интеллектуал уқуви” тушунчаларини унчалик жоиз бўлмаган ҳолда айнанлаштирадилар. Кўпчилик тадқиқотчилар ўқув-интеллектуал уқувларни “ўқишига уқув” каби таърифлашди, бу эса бундай мураккаб масала учун анча кенг ва аниқмас таърифdir.

2-жадвал

Мактаб ўқувчиси ўқув интеллектуал уқувларини таснифлашлар

	Муаллифлар	“Үқув-интеллектуал” таърифи	“Үқув-интеллектуал уқув” турлари
	Ю.К.Бабанский	Үқув фаолиятини муваффакиятли эгаллашга ёрдам берувчи уқувлар (тасниф асосида тафаккур операцияларини ва үқув фаолияти усулларини эгалаш ётади)	- мотивациялаш уқуви; - диққат билан идроклаш уқуви; - логик англаш уқуви; - рационал эслаб қолиш уқуви; -мустақил бажариш уқуви; -ўзини ўзи назорат қилиш уқуви
	Б.Р.Қодиров	Қўйилган үқув масалаларини ечиш учун шахснинг билимлардан самарали фойдаланиш уқуви (тасниф асосида турли фаолият соҳаларида образли мазмунга нисбатан қўлланиладиган ақлиф фаолият усулларини (услубларини) эгаллаш қўйилган	- анализ ва синтезни эгаллаш; - абстрактлаштириш ва кокретлаштиришни эгаллаш; - таққослаш ва аналогни умумлаштиришни эгаллаш; - асосийни ажратиш; - тушунчани таърифлаш; - исботлаш

Ҳозирги замон мактабининг ривожланиш шароитларида энг кўп тарқалган таснифлар ва таклиф этилган уқувлар ва малакалар рўйхати ўз ичига қўйидаги хусусиятларни олганлиги билан асослаймиз:

1. Элементлари масалаларни ва фаолият усулларини режалаштириш, мотивация, саъй-ҳаракатларни ташкил этиш ўзини ўзи назорат қилишни ўз ичига оладиган үқув фаолияти структурасига мослиги.
2. Ўз ичига мақсадни қабул қилиш, ўзлаштириш мотивацияси, үқув ахборотини идрок қилиш, уни англаш ва амалий операциялар бажариш, жорий ўзини ўзи назоратлаш ва ўзлаштириш натижаларининг якуний таҳлилини ўз ичига оловчи билимларни ўзлаштирилиш жараёнига мослиги.
3. Ихчам, йиғма кечадиган бир неча тафаккур операциялари мажмуасининг тақдим қилиниши (масалан, материални, бош нарсани ажратиб, логик англаш уқуви таҳлили, синтез, таққослаш ва бошқа операциялараг асосланади. Бу эса ўз навбатида, “ўқитувчилар ва ўқувчилар учун оптимал, эришиб бўладиган самарали иш услубларини излашга қаратилган” дидактика ва ўқитиш методикаларга тўла мақбулдир.

4. Болаларнинг интеллектуал ривожланиши, үқув фаолияти асосий элементларининг шаклланиши, билимларни олиш жараёнида мустақиллиги ва фаолиятида сензитив бўлган бошланғич мактаб даври доирасида қўлланилганда

самаралидир.

Шундай қилиб, биз бошлангич синф ўқувчиларда конкрет ўқув-интеллектуал уқувлар шаклланганлигининг қуйидаги критерийлари ва күрсаткичларини ажратдик:

- ўқув *фаолияти мотивацияси* (фаолиятни мотивациялаш даражаси) мактабга ижобий муносабат, ўқув фаолиятига билим қизиқишининг намоён бўлиши; фаолиятга барқарор қизиқиш; пухта билимларга эга бўлишаг интилиш;

- ўқув *фаолиятининг ихтиёрийлиги* (ахборотни дикқат билан қабул қилиш уқуви даражаси (дикқат ҳажми ва концентрацияланиш даражаси; фаолият объектини ушлаб туриш, саъй-харакатлар режасини белгилаш қобилияти; график образни кўчиришнинг тўғрилиги; иродавий ҳаракатнинг борлиги; дикқатни тақсимлаш уқувининг шаклланганлиги;

- *интеллектуал фаоллик* (ўқув материалини логик англаб, асосийни ажратиш уқуви) логия операцияларни сўзли тушунчалар шаклида бажариш имконияти; таҳлил, таққослаш, умумлаштиришни ва қонуниятли боғланишларни аниқлашни талаб этувчи топшириқларни мустақил бажарди; ўрганилаётган материалдаги муҳимни ажратишга қодир; бошқа одамни тушунишда хатоларнинг йўқлиги; материалнинг онгда мустаҳкам ушлаб турилиши;

- *рационал эслаб қолиши уқуви даражаси* (материални эслаб қолиш ва унутиш суръати; материалдаги маъновий қисмларни ажратиш уқуви; бажарилаётган ишнинг англанганлиги; такрор идрок қилиш ёки такрор қайтаришда иродавий ҳаракатнинг зарурлиги;

- ўқув *фаолиятининг мустақиллиги* (машқни мустақил бажариш уқуви даражаси) (топшириқни бажариш жараёнида мустақиллик ва фаоллик; топшириқни аниқ бажариш қобилияти; билиш масалаларни ечиш қобилияти; ўз саъй-харакатларини англаш даражаси);

- ўқув *фаолиятини ўзи назорат қилиши* (топшириқни бажариш жараёнида ўзини ўзи назорат қилиш уқувининг даражаси); (бажарилган топшириқни адекват баҳолаш; ўз саъй-харакатларининг натижаларини қўйилган мақсад билан солишириш уқуви; ўқув топшириғини бажаришда хатоларни ўз вақтида топиш, тузатишлар киритиш қобилияти, ўзини ўзи тартибга солиш).

Ҳозирги замон таълим министри Башлангич синф ўқувчи ўз фаолиятининг фаол ва мустақил субъекти бўлишга ўрганиши лозимлигини талаб этувчи тенденциялари доирасида биз томонимиздан танлаб олинган ўқув-интеллектуал уқувлар таснифи бошлангич мактаб доирасида самарали бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Бироқ мазкур масалани ўрганиш давомида бошлангич синфларда ўқув-интеллектуал уқувларнинг ривожланиши асосида мазкур гурухнинг янги, бироқ юқорироқ тартибли уқуви – ўзи мустақил билим олиш уқуви шаклланишига зарурат бўлиши лозим деган холосага келдик.

Бунда биз бундай ҳисоблаймиз: мазкур уқув ўқув-интеллектуал уқувларни эгаллашдан синергетик тафаккур стилининг шаклланишига равон ва муваффақиятли ўтишда ажралмас, боғловчи бўғин бўлади. Шу асосда биз бу кўрсатилган тушунчаларнинг маълум ўзаро боғланишини яратдик ва у қуйидаги расмда кўрсатилган (1-расм):



1-расм. “Интеллектуал ўқув”, “Ўқув-интеллектуал уқув” ва “синергетик тафаккур стили” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.

Болада бир қатор интеллектуал уқувларниң шаклланиши мактабгача ёшдаёт, маълум тафаккур операцияларини эгаллаш асосида амалга ошади. Кейин, бошланғич мактаб таълими доирасида, Бошлангич синф ўқувчи ўқув фаолиятининг шаклланиши жараёнида конкрет ўқув-интеллектуал уқувларниң ривожланиши содир бўлади ва улар янги ўқув-интеллектуал ўқув – мактаб ўқувчисининг ўзи мустақил билим олиш уқувининг шаклланишига ёрдам беради.

Ўқув-интеллектуал уқувларниң муваффақиятли бажарилиши кейинчалик юқори синфлар ўқувчиларида синергетик тафаккур стилининг шаклланиши учун асос бўлади.

Ўзи мустақил билим олиш уқувини биз умумтан олинган ўқув-интеллектуал қаторидаги юқорироқ тартибли уқув сифатида таърифлаймиз. Шу сабабли бу уқув учун ҳам ўқув-интеллектуал уқувлар критерийларига ўхшаш, бироқ мураккаброқ кўрсаткичли критерийларни ажратамиз. Хулоса қилиб, шуни қайд этишимиз зарурки, педагогикада кейинги вақтларда ўрта умумтаълим мактаби ўқувчиларида билимларни ўзи мустақил топиш қобилиятини шакллантириш тўғрисидаги масала кескин қўйилмоқда. Ўқувчи ўқитиш обьекти эмас, балки билимларни онгли, фаол ва мустақил олиш ва уларни амалий фаолиятда қўллашга қобилиятли бўлган ўқиши субъекти бўлиши лозим.

Биз мактаб ўқувчиларида ўзи мустақил билим олиш уқуви конкрет ўқув-интеллектуал уқувларни муваффақиятли ўзлаштирилиши натижасида самарали шаклланиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Буни биз қўйидагича тушунтирамиз: мазкур уқувлар ҳам ўз асосига қўра билимларни олиш жараёнида мустақилликни (машқни мустақил бажариш уқуви, ўзини ўзи назорат қилишни амалга ошириш, материални англаш уқувлари ва бошқалар) шакллантириш, ўз саъи-харакатларининг онглилигига (фаолиятни мотивациялаш, рационал эслаб қолиши уқувлари) ва ҳ.к.ларга йўналтирилгандир.

Шундай қилиб, ишни таҳлил қилиш асосида бундай хулоса қилиш мум-

кин: бошланғич мактаб ўқувчиларида ўқув фаолияти жараёнида ўқув-интеллектуал уқувларни ривожлантириш муаммоси долзарбди.

Ўқув-интеллектуал уқувлар дейилганды таълимнинг маълум тафаккур операциялари (таҳлил, синтез, умумлаштириш, таққослаш ва бошқ.)ни онгли эгалланишига асосланадиган, ўқув фаолиятининг айрим структуравий элементларида (фаолият вазифалари ва усулларини режалаштириш, саъй-харакатларни ташкил этиш, ўзини ўзи назорат қилиш) ва билимларни ўзлаштириш жараёнига (мақсадни қабул қилиш, ўқув ахборотини қабул қилиш ва англаш, унинг устида амалий операциялар бажариш, ўзини ўзи назорат қилиш, натижаларни таҳлил қилиш) мувофиқ бўладиган амалий ва назарий масалаларини ечиш бўйича муваффақиятли бажариладиган саъй-харакатлар тушунилди.

Бошланғич синф ўқувчиларда ўқув-интеллектуал уқувларнинг ривожланиши ўзи мустақил билим олиш уқувини муваффақиятли шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, бу уқув эса кейинчалик юқори синфлар ўқувчиларининг синергетик тафаккур усулларини эгаллашларида асос бўлади.

Мактаб ўқувчисининг ўқув-интеллектуал уқувлари, ўзи мустақил билим олиш уқуви ва тафаккур усулининг шаклланиши орасидаги ўзаро боғлиқлик

Ўқув-интеллектуал уқувлар	Ўзи мустақил билим олиш уқуви	Синергетик тафаккур стили хусусиятлари
Фаолиятни мотивлаш уқуви	Мотивациянинг асосланганлиги	Мақсадга йўналтирилган қўзғатиш
Ахборотни дикқат билан қабул қилиш уқуви	Мустақиллик, мақсадга интилганлик	Тўлдирувчанлик (онгостдан, хиссийдан ва бошқ.)
Ўқув материалини, асосийни ажратиб, логик англаш	Ўз фаолиятини режалаштириш, тафаккур фаоллиги	Масштаблар, абстрактлаштиришнинг умумий даражаси
Рационал эслаб қолиши	Мустақиллик, фаоллик, мақсадга интилганлик	Тўлдирувчанлик (иррационгал, рационал)
Машқларни мустақил бажариш	Мустақил, фаоллик, мақсадга интилганлик	
Ўз фаолиятини ўзи назорат қилишни амалга ошириш	Ўз натижаларини баҳолашнинг танқидийлиги	Онглилик, мустақиллик, гоявий-тушунчавий англаш

Юқорида илгари қайд этганимиздек, тадқиқот муаммосини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида биз мактаб таълими доирасида ўрганилаётган тушунчаларнинг ўзаро таъсирлашув занжирини аниқладик. Бу ўзаро боғланиш

шундан иборатки, мактабгача ёшда ўқув-интеллектуал уқувларнинг шаклланиши кичик мактаб ёшида конкрет ўқув-интеллектуал уқувларнинг шаклланишига таъсир этади, улар эса мактабнинг қуий ва ўрта бўғинида ўзи мустақил билим олиш уқувининг шаклланишига ёрдам беради. Кейинчалик, мазкур ўзаро боғланиш катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг синергетик тафаккур стилининг шаклланишига таъсир этади.

Макзур ҳолда ўзи мустақил билим олиш уқуви конкрет ўқув-интеллектуал уқувлар мажмуаси бўлади. Бошқача айтганда ўқув-интеллектуал уқувларни ривожлантириш бўйича иш ҳар бир уқувни алоҳида ташхислашни назарда тутади.

Ҳар қандай топшириқни бажариш жараёнида ўқитувчи бошлангич синф ўқувчини ўз ишини ушбу схема бўйича қуришга ўргатиши лозим:

1. Ўз фаолиятингизни мотивланг.
2. Диққатли бўлинг.
3. Ўқув материалини англаб, асосийни ажратинг.
4. Топшириқни мустақил бажаришга ўрганинг.
5. Фаолиятингиз ўзингиз назорат қилишга ўрганинг.

Бу босқичларнинг ҳар бири асосий ўқув-интеллектуал уқувлардан биридир.

Ўқувчиларнинг ўқиш фаолияти давомида мазкур схемани мустақил қўллашлари мактаб ўқувчисининг билимларни ўзи мустақил эгаллаш чорасидан иборатдир.

Юқорида айтилган фикрларга асосланиб, биз мактаб ўқувчиларида ўзи мустақил билим олиш уқувини шакллантириш бўйича мақсадга йўналтирилган ишни бошлангич таълим давридан бошлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРДА ЎҚУВ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ УҚУВЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мактаб ўқувчиларида ўқув-интеллектуал уқувларни ривожлантириш бўйича ишлар таҳлилиниң кўрсатишича, уларнинг муаллифлари педагогика ва психологияда уқувларнинг моҳияти ва бошқа уқувларни ривожлантиришнинг психолого-педагогик шароитларига мурожаат қилишади.

Ўқитиши мувваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан у кечеётган шароитларга боғлиқ бўлади. Ўкув жарёнида онгли яратиладиган шароитлар педагогик шароитлар деб таърифланади.

Биз ўқув-интеллектуал уқувлар педагогик жараён иштирокчилари орасидаги субъект-субъектли ўзаро муносабатлар асосида қуриладиган шахсиятли-ориентирланган ўқитиши жараёнида энг самарали ривожланиш мумкинлигини аниқладик. Бу ўқувчиларнинг муҳитли қучларини очиш, уларнинг интеллектуал салоҳиётини юзага чиқариш, ўз фаоллигини мустақил ривожлантириш имкониятини беради.

Маълумки, бундай таълимни амалга ошириш учун ўқитувчининг касбий мавқесини ўзгартириш, синфда “эркин ўқиш” муҳитини яратиш, бола фаоллиги

ва унинг ривожланишини рағбатлантирувчи методлардан фойдаланиш зарур. Шунинг учун ўқув-интеллектуал уқувларни ривожлантириш шароитлари орасида қуйидагилар ажратилади:

- ўқув фаолияти жараёнида гуманистик тарбия тамойилларига ориентирланиш;
- Бошлангич синф ўқувчиларда ўқув-интеллектуал уқувларини ривожлантириш муаммоси бўйича дарслар тизимини амалга ошириш;
- дарслар тизимида ўқитиш методлари ва ўқув иши шаклларининг оптималь бирикувидан фойдаланиш.

Гуманистик тарбия педагогик технологиялари ва тизимлари асосида гуманистик таълим тамойиллари ажратилган.

Биринчи тамойил – билаётган онгнинг субъектлик тамойили. Бу ҳолда тадқиқотчининг янги ўрни – кузатиш тизими ичидадир. Ўқитувчи ва ўқувчи фаол таълим субъектлари бўлишади. Бунда билимларга етишиш тважрибаси бу билим маъноларини маданий вужудга келтириш схемаси бўйича амалга оширилади.

Иккичи тамойил – қўшимчалик тамойили; бунда ўқитувчи монологи маъновий диалогга, ўзаро саъй-харакатга, ҳамкорликка, ривожланаётган шахснинг эркинлигига ориентацияланишга ўрин бўшатиб беради.

Учинчи тамойил – ўқув ва тарбия ахборотининг очиқлик тамойили. Ўқувчи билимларни бош шахсиятли қадрият бўлган онгнинг ишлаши туфайли олади. Ўқитувчи билимларни тайёр кўринишида бермасдан, балки унга кашфиёт шаклини беради.

Шундай қилиб, ўқитувчи ва ўқувчи орасида реал гуманистик ўзаро таъсирашувда таълим жараёнини субъект-субъектли муносабатларда қуриш учун асос яратилади.

Бошлангич синф ўқувчиларининг интеллектуал фаолияти, бошлангич синфлар ўқувчиларида ўқув-интеллектуал уқувларни шакллантиришнинг педагогик шароитлари.

Дарсларнинг асосий таснифлари

Муаллиф, тасниф асоси	Дарс типлари
Н.У.Бикбаева (дарсларни дидактик мақсадга асосланиб таснифлайди)	Аралаш дарслар: оғзаки машқлар дарслари; ёзма текшириш ва билимларни баҳолаш дарслари
Р.Мавлонова (асосида ўрганилаётган материалнинг умумидидактик мақсадлари, мазмуннинг характеристи ва ўрганганлик даражаси ётади)	Янги материални тушунтириш дарслари, уқувлар ва малакаларни такомиллаштириш дарслари, умумлаштириш ва тизимлаштириш дарслари; аралаш дарслари
М.Мирзахмедов (асосида ишнинг логик характеристи ва билиш фаолиятининг характеристи ётади)	Классик типлар (кириш дарси, машқ қилиш, уқув ва малакаларни назорат дарси, мустақил иш дарси, аралаш дарс, тақрорловчи-умумлаштирувчи дарс, фантазиялаш дарси, дарс-мусобақа, очиқ диалог

		дарси, дарс-эврика, дарс-синов, ижодиёт дарси, дарс-спектакл ва бошқ.)
	М.Ахмедов, М.Жумаев ва бошқ. (машғулотларни ташкил этиш мақсадлари, дарсларнинг мазмун ва ўтказилиш усулларига асосланиб таснифлашади)	Аралаш дарслар; янги билимлар билан танишиш, ўрганилганни умумлаштириш ва тизимлаштириш; билимларни мустаҳкамлаш ва текшириш

Тизим яратувчи элементлардан бири сифатида мақсад, чунончи кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг мактабнинг ўрта ва юқори бўғинида муваффақиятли ўқишилари ҳамда синергетик тафаккур стилини эгаллашларида асос бўладиган уларнинг ўзи мустақил билим олиш уқувининг самарали шаклланишига ёрдам берадиган конкрет ўқув-интеллектуал уқувларни шакллантириш мваксади хизмат қиласи.

Ўқитиши методлари

Фалсафа нуқтаи назаридан метод – бу мақсадга эришиш усули, маълум тарзда тартиблangan фаолиятдир. Педагогикада ҳам метод ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълум ўқув-тарбиявий мақсадларга эришиш бўйича тартиблangan ўзаро боғлиқ фаолият усули сифатида келади.

Ўқитиши методлари структурасида объектив ва субъектив қисмларни ажратилади. Объектив қисм ҳар қандай методда, улардан педагоглар фойдаланишлари боғлиқмас тарзда, доимо иштирок этадиган қоидалар билан тавсифланади. Субъектив қисм педагог шахсияти, ўқувчиларнинг хусусиятлари, конкрет шароитлар билан боғлиқ бўлади.

Ўқитиши методларининг таснифи тўғрисидаги масала бугунги кунда ҳам очиқлигича қолмоқда. Ўқитиши методлари таснифи дейилганда уларнинг маълум белги бўйича тартиблangan тизими тушунилади.

Хозирги замон дидактикаси ўқитиши методларининг хилма-хил таснифланади ва улар турли мактаблар ва йўналишлар вакиллари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда хозирги замон педагогика адабиётларида етарлича яхши ёритилмаган. Асосий фарқ уларни ишлаб чиқишида тадқиқотчилар томонидан қайси ёндошув танланганлигига боғлиқ. Улар орасида қўйидагилар ажралиб туради:

- ўқитиши методларининг билимларни олиш манбалари бўйича анъанавий таснифи;

- методларининг билиш фаолияти характеристи бўйича таснифи;

- методларининг вазифаси бўйича таснифи;

- К.Қосимова ва Р.Мавлонова методларни дидактик вазифалари бўйича ажратишади;

- Ю.К.Бабанскийнинг тизимли ёндошув билан тавсифланадиган методлар таснифи;

- М.И.Махмутовнинг бинар таснифи;

К.Қосомованинг методлар таснифи, унинг асосида машғулотларнинг дидактик мақсадлари ва вазифалари ётади.

Шундай қилиб, ўқувчиларни гуманистик тарбия тамойиллариға асосланған фаол ишга жалб қилиш ва дарслар тизимидан ўқитиши методлари фойдаланыш дарснинг ўқув-тарбиявий имкониятларининг жуда кенгайтиради ва Башлангич синф ўқувчиларда ўқув-интеллектуал уқувларнинг ривожланишига ёрдам беради.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ УҚУВЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Башлангич синф ўқувчиларининг ўқув-интеллектуал уқувларини ривожлантириш педагогик шароитларининг самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқот иши материалларининг таҳлили келтирилган.

Ўзи мустақил билим олиш уқувининг даражаси конкрет ўқув-интеллектуал уқувларнинг шаклланганлигига боғлиқлигига асосланиб педагогик эксперимент вазифалари қўйидагилар киритилган эди:

1.Бошлангич мактаб ўқитувчиларининг дарсларда ўқитиши шакллари ва методларини қўллашлари бўйича ишини ўрганиш ва таҳлил қилиш (анъанавий таълим шароитларида).

2.Бошлангич синф ўқувчиларида конкрет ўқув-интеллектуал уқувларнинг ривожланиши даражасини аниқлаш.

3.Бошлангич синф болаларда ўзи мустақил билим олиш уқувининг ривожланиши даражаларини аниқлаш.

4.Бошлангич синф ўқувчиларининг ўқув-интеллектуал уқувларининг самарали ривожланишини таъминлашаг йўналтирилган педагогик шароитларнинг самарадорлигини текшириш (ўқитиши методлари, ўқув иши шакллари ва гуманистик тарбия тамойилларининг оптимал бириктирувидан фойдаланиш асосида қурилган дарслар тизими қўлланилди).

Педагогик эксперимент ўз ичига икки босқич: қайд қилувчи ва шакллантирувчи босқичларни олди (9-жадвал, 98-бет).

Қайд қилувчи экспериментни ташкил этиш олдидан уни ўтказиш режаси тузилди, хар бир босқичнинг вазифалари таърифланди, тестлар сериялари, ташхиснинг методикалари тъянлаб олинди, бошлангич синфлар ўқитувчилари учун анкета, педагоглар ва болалар фаолиятини кузатиш картаси тузилди.

МАВЗУ: 100 ичидаги қўшиш ва айриши. Геометрик шакллар ва катталиклар (34 соат)

Мавзу	100 ичидаги қўшиш ва айриши. Геометрик шакллар ва катталиклар.
Мавзунинг мақсади:	Ўнликдан ўтмасдан 100 ичидаги қўшиш ва айриши усулини ўргатиш, сонларни ўқий олиши ва ёзиш. Таққослаш. Сонларни қатордаги ўрни бўйича тўғри ва тескари ўқий билиши. дм, м, см, тушунчаларини киритиш.
Мавзунинг асосий мазмуни, математик тушунчалар билан таништириш	100 ичидаги қўшиш ва айриши жараёнида микдорлар билан таништириш. Ўнликдан ўтмасдан кушиш, айриши. Номаълум камаювчини, номаълум айирувчини топишга доир оддий масалалар ечиш.

риш	Бир неча бирликка орттириш (камайтириш)га доир таркибли масалалар ечиш. Йиғинди, учинчі қүшилувчини топишга доир, сонни йиғиндига қўшиш ва йиғиндини сонга қўшишга доир масалалар ечиш. Кўшиш ва айиришга доир турли таркибли масалалар.	
Режалаштирилган натижалар	<p style="text-align: center;">Предметни билиши (ПБ)</p> <p>100 ичидаги сонларни оғзаки қўшиш ва айиришда қўшиш ва айириш хоссаларини кўллаш. Нол билан тугайдиган икки хонали сонларни қўшиш ва айириш.</p> <p>Икки амалли ифодаларда амалларни бажариш тартиби, қавслардан фойдаланиш.</p> <p>Қўйидаги кўринишдаги қўшиш ва айиришларни бажариш: $25+3$, $30+24$, $36-2$, $36-20$, $42+25$, $58-27$, $58-28$, $58-55$, $26+4$, $30-4$, $38+42$, $74+26$, $60-24$, $100-7$, $100-62$.</p>	<p style="text-align: center;">Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти (ЎЎФ)</p> <p>Шахсий: Атроф мухитни реаллигини математик тушуниш;</p> <p>Доимий: Ҳисоблаш усуллари ва предметлар орасидаги ўзаро боғланишларни ўрнатишни билиш;</p> <p>Идрок этиш: математик амал ва миқдорларни идрок қилиш, билиш.</p> <p>Коммуникатив: Кўйилган масалага жавоб бериш. Кичик ва катта гурухда ишлашни билиш, бир ва икки амалли масалалар ечиш технологиясини ўзлаштириш.</p>

Ташкилий ишлар

Фанлар аро алоқадорлик	Иш шакли	Жиҳозлар (манбалар)
Китоб билан ишлаш. Технология. Атроф-мухит (ўқектлар орасида мантикий боғланишларни ўрнатишни билиш, алгоритм билан ишланиши билиш). 11 дан 100 гача бўлган сонларни қўшиш ва айириш ва уларни хосил бўлиш кетма-кетлигини предметлар орқали тасаввур килдириш.	Фронтал, якка, кичик гурӯҳ, жамоа билан ишлаш	Даслик. Дафттар билан ишлаш, методик кўлланма. Кўргазмали ва тарқатмали материаллар.

И-босқич. Қизиқувчанлик фаолиятга йўналтириш

Мақсад:- 11 дан 100 гача бўлган сонлар. Рақамлаш. Ўқувчилар қизиқишини дидактик ўйинлар ёрдамида шаклантириш.	Муаммоли вазият. Кўргазмали асосда икки хонали сонларни хона бирликларини хосил қилишга оид топшириклар. Кўшишнинг ҳадлари, айиришнинг ҳадлари, қўшилувчи, айрилевчи, айирма, камаювчи тушунчалари билан ифодалантган масалар ечиш. Вазиятдан қандай чиқиш мумкин.
--	---

ИИ-босқич. Ўқув-билиш фаолияти

Ўрганиш кетмакетлиги	Янги билим берадиган топшириклар Тушунчалар (Т), ўрганиш (Ў), билиш(Б)	Ташхисли машқлар. Дафттар билан ишлаш
1. Ўнликлар устида амаллар		
Максад – ўқувчиларга ўнликдан ўтмасдан иккни хонали соннинг хона бирликлари бўйича қўшиш ва айириш, масала ечишини ўргатиш. Икки хонали сони хона қўши-	Кузатиш. Номаълум камаючини, номаълум айриувчини топишга доир оддий масалалар ечиш. Бир неча бирликка орттириш (камайтириш)га доир	Дафттар билан ишлаш: $25+3$, $30+24$, $36-2$, $36-20$, $42+25$, 1 дан 20 гача бўлган сонларни айтиш ва улар кетма-кетлиги. Кўйидаги кўринишдаги қўшиш ва айириш: $14+1$, $18-1$, $10+3$, $15-5$, $16-$

лувчилари кўринишда ёзишга ўргатиш	<p>таркибли масалалар ечиш. Йиғинди, учинчи қўшилувчини топишга доир, сонни йиғиндинга қўшиш ва йиғиндини сонга қўшишга доир масалалар ечиш. Қўшиш ва айришга доир турли таркибли масалалар.</p> $19 + 19 - (4 + 2) = 50 + 8 = 30 + 40 = 80 - 18 + (7 - 5) = 90 + 7 = 60 - 50 = 99 + 1 (6 + 4) - 8 = 26 - 6 = 40 + 60 = 40 - 1 (7 + 2) - 2 = 26 - 20 = 100 - 20$ <p>(Оғзаки). Мисолларни құтай усул билан ечинг:</p> $(10 + 6) + 3 (30 + 4) + 20 (60 + 2) + 8 = (10 + 6) - 3 (30 + 4) - 20 (40 + 10) - 6$ <p>Масала. Дўконда 12 та букет атиргул бор эди. Бир нийча букет сотилгандан сўнг дўконда 7 та букет қолди. Қанча букет сотилган?</p>	<p>10.</p> <p>Айриш амали билан сонларни таққослаш.</p> <p>21 дан 100 ча сонларни ўқиш ва ёзиш. Уларнинг ўнлик таркиби. Бир хонали ва икки хонали сонлар. Санашда кетма-кетлик тартиби. Таркибли масала билан таништириш.</p> <p>Сонни бир неча бирликка орттириш (камайтириш) ва йиғиндини топишга; йиғиндинга сонни қўшиш; сонга йиғиндини қўшишга; йиғиндидан сонни айришга доир масалалар ечиш.</p>
------------------------------------	--	---

2. метр, дм билан таништириш		
Мақсад – ўқувчиларни узунлик бирлиги метр ва дециметр билан таништириш, кесма узунлгини ўлчашни билиш, сюжетли масалалар ечиш. 100 ичидаги исмли сонлар устида амал бажаришга ўргатиш.	<p>Кузатиш. Узунлик бирликлари – дециметр, метр, уларнинг белгиланиши: дм, м. Улар орасидаги муносабат.</p> <p>Берилган узунликдаги кесмани ясаш (сантиметр, дециметр, дециметр ва сантиметр ёрдамида).</p> <p>Оддий шаклларни мураккаб шаклга айлантириш ва аксинча.</p>	<p>Дафтар билан ишлаш:</p> <p>58-28, 58-55, 26+4, 30-4, 38+42, 74+26, 60-24, 100-7, 100-62. 86 – 74 52 – 7 46 + (10 + 5) 60 – (5 + 7) 80 – 74 34 + 8 54 – (20 + 7) 65 – (5 + 7)</p>

ИИИ-босқич. Ўзлаштириш сифатини ташхислаш

Мақсад – 100 ичидаги олинган янги билимларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш	Мустақил иш. Математик диктант. Тест.
--	---------------------------------------

ИВ-босқич. Уқув -интеллектуал – фаолият

Максад – ўқувчиларни дафтар билан ишлаш жараёнида ўзини-ўзи бошқаришга ўргатиш.	<p>Ифода ёзинг ва унинг қўйматини топинг:</p> <p>1) 2 ва 9; 5 ва 6; 7 ва 7 сонлар йиғинди.</p> <p>2) 16 ва 7; 14 ва 6; 12 ва 4 сонлар айирмаси</p> <p>Масалани ечиш учун 10 та ёнгоқнинг расмини чиздириш.</p>  <p>Бор эди — 10 та. Берди — 6 та. Қолди - ? Ечиш: 10-6 = 4 та.</p> <p>1.Ижодий топширик, $45 + 20 + 6 = 84 + 9 - 50 = 43 + (17 - 9)$</p>
---	---

45 – 20 – 6 26 – 8 + 40 54 – (13 – 6)
2. Эврестик топширик? 3.Мантикий тошириқлар бажариш, 4. Тарихий маолумотлар беріш

В-босқич. Фаолият натижаларини рейтинг бағолаш ва унинг назорати

Назорат шакли: назорат түри	Фаолият натижаларини бағолаш	
	Үқитувчи рейтинг бағоси	Кузатувчи рейтинг бағоси
<p>Назорат иш ; (Якуний тест)</p> <p>1)Тушириб қолдирилган ракамларни ёзинг: 65, 22, ..., 75.</p> <p>2) Берилган сондан олдинги сонни ёзинг: 97, 44, 79, 100.</p> <p>3) Берилган сондан кейинги сонни ёзинг: 26, 48, 64, 99.</p> <p>4)Хона күшилувчиларини ўнликлар ва бирликларга ажратинг: $74 = 70 + 4$; $55 = \dots + \dots$, $97 = \dots + \dots$, $88 = \dots + \dots$,</p> <p>5) Сонларни таққосланг: 73 ва 85, 27 ва 22, 100 ва 80.</p> <p>6) Сонларни камайиш тартибида ўнликларда ифодлаб ёзинг: 40, 10, 60, 20, 80, 30.</p> <p>7) таркибида битта ўнлик ва бешта бирлик, бита ўнлик ва бита бирлик, 2 та ўнлик бўлган сонлардан арифметик амал бажаринг.</p> <p>8) Тўғри тенглик Ҳосил қилиш: $60 + \dots = 66$, $95 - \dots = 90$, $27 + \dots = 30$,</p>		

Мавзу: 100 ИЧИДА СОНЛАРНИНГ ХОНА ОРҚАЛИ ЎТИБ ҚЎШИШ ВА АЙРИШ

Мавзу: 100 ичидаги сонларни хонадан ўтиб оғзаки ва ёзма қўшиш ҳамда айриш усуллари.	1-босқич Тайёргарлик босқичи. Тайёрлов босқичида қўйидаги таянч билимлар ишлаб чиқлади: а) икки хонали сонни хона қўшилувчилари кўринишида ёзиш ($23 = 20 + 3$); б) яхлит сонларни қўшиш ($20 + 50 = 70$); в) яхлит сонларни бир хонали сонга қўшиш ($70 + 3 = 73$). Барча бу амаллар $23 + 50$ кўринишидаги қўшишнинг таркибий қисми бўлади. Шунинг учун, келтирилган амалларни яхши бажаришга эришиш зарур.
Дарснинг мақсадлари:	
Таълимий мақсади:	Қўшиш ва айришнинг устун шаклда бжарилишини ўзлаштиришга эришиши.
Тарбиявий мақсади:	Таркибли масалар мазмунини турмуш билан боғлаш;
Ривожлантирувчи мақсади:	Атроф муҳит билан боғлиқ математик масалаларни идрок қилишга ўргатиш
Дарснинг мазмуни, тушунча ва таянч сўзлар	<ul style="list-style-type: none"> - Кўшиш ва айриш амаллари ўртасидаги ўзаро боғланишлар. Кўшиш ва айриш амалларининг тўғри бажарилганлигини текшириш; - икки амалли сонли ифодаларнинг

		қийматини топиш; - икки хонали сонларни қўшиш ва айришни ёзма ҳисоблаш; - Матнли масалалар. Қўшиш, айриш, амаллари моҳиятини очувчи матнли масалалар. “...та ортиқ”, “...та кам”, “...марта ортиқ”, “...марта кам” тушунчаларига доир масалалар.
Режалаштирилган натижалар	Малакалар	Ўқувчиларни билиш фаолияти
	Ташкилий қисм	
Фалар аро алоқадорлиги	Иш тури	Материаллар
Математика, меҳнат, расм,...табиатшунослик, иқтисод,		Дарслик, методик қўлланма, кўзгазмалар, тарқатмали материал,....
И-босқич. Тайёргарлик босқичи		
Мақсад: Дарсда ўқувчиларни фаоллаштиришга йўналтириш, ижодий ёндаштириш	Муаммоли вазият: Берилган ҳисоблаш усулига назарий асос бўладиган қўшиш қонунлари билан танишиш босқичи. 1) $30 + 20$, $60 - 20$, $80 + 20$, $100 - 30$; 2) йиғиндининг қўшилувчиларини алмаштириш қонуни; 3) $25 + 3$, $3 + 25$; 4) $50 + 23$; $23 + 50$; 5) $36 - 20$; $36 - 4$; 6) $26 + 4$; $36 - 4$; 7) $60 - 24$; 8) $26 + 7$; 9) $35 - 7$; 10) икки хонали сонларни устун шаклида қўшиш; а) $45 + 23$; в) $37 + 48$, $37 + 53$, $87 + 13$; б) $57 - 26$; г) $50 - 24$; $52 - 24$.	
ИИ-босқич. Ўқув-билиш фаолияти		
Ўрганиш босқичи	Билим, тушунча, “қўникма”га доир янги билимни ўзалашибувчи ва ривожланишибувчи топшириқлар	Диагностик тошириқлар:
1.Ўтилгандарни такрорлаш		
Мақсад: 100 ичидаги ўрганилган усуллар асосида сонларни оғзаки қўшиш ва айриш	1-топшириқ: “Билим ва қўникма” $32 - 7$; $56 - 8$; $28 + 8$; $100 - 2$. 2-топшириқ: фаоллаштириш	1) $30 + 20$, $60 - 20$, $80 + 20$, $100 - 30$; 2) йиғиндининг қўшилувчиларини алмаштириш қонуни;

	43 - 9; 83 - 6; 57 - 7; 100 - 6. 3-топшириқ: билиш 53 - 19; 83 - 13; 57 - 17; 100 - 6.	

2. Қўшиш ва айришнинг хоссалари

Мақсад: 100 ичида қўшиш ва айришда о`рин алмаштириш хоссасини қо`ллай олиш;	1-топшириқ: 27 + 44; “Билим ва қўникма” 21 - 16; 2-топшириқ: фаоллаштириш 33 + 53; 3-топшириқ: билиш 31 - 22	3) 25 + 3, 3 + 25; 4) 50 + 23; 23 + 50; 5) 36 - 20; 36 - 4; 6) 26 + 4; 36 - 4;

3. 100 ичида ўнликдан ўтиш билан қўшиш

Мақсад: - 100 ичида ўрганилган усуллар асосида сонларни оғзаки кўшиш амалларини бажара олиш;	1-топшириқ: 57 + 16; “Билим ва қўникма” 52 - 34; 16 + 37; 2-топшириқ: фаоллаштириш 73 - 37 3-топшириқ: билиш 38 + 25; 45 - 18; 94 - 76; 54 + 28	икки хонали сонларни устун шаклида қўшиш; 60 - 24; 8) 26 + 7; 9) 35 - 7;






4. 100 ичида ўнликдан ўтиш билан айриш

Мақсад: - 100 ичида ўрганилган усуллар асосида сонларни айриш амалларини бажара олиш;	1-топшириқ: Ҳисоблаш қўникмаларини шакллантириш. Бу босқичда машқлар сонини ошириш назарда тутилади. Қолган барча Ҳисоблаш усуллари маолум схема асосида бажарилади. Икки хонали сонларни устун шаклида қўшиш ва айриш. 2-синфда болалар Ҳар қандай икки хонали сонларни устун шаклида қўшиш ва айришни тез бажаришни ўрганишлари керак. Бу усула қуйидагича бажарилиши мумкин: 1) икки хонали сонни хонадан ўтмасдан қўшиш (40+ 23); 2) икки хонали сонни хонадан ўтмасдан айриш (57 - 20); 3) икки хонали сонни хонадан ўтибқўшиш (30 + 48); 4) икки хонали сонни хонадан ўтиб айриш (52 - 20). Устун шаклида қўшиш йиғиндига йиғиндини қўшиш қоидасига асослан бажарилади. 2-топшириқ: фаоллаштириш 60 + 8 = ?	40 + 23; 37 + 40, 30 + 53, 87 + 10; . .

	<p>НиХоят $40 + 20 = 60$, $60 + 8 = 68$ бажарилади:</p> <p>1) Ўнлик остига ўнлик, бирлик остига бирликни ёзамиз;</p> <p>2) бирликларни қўшамиз: $5 + 3 = 8$</p> <p>3) унликларни қўшамиз: $4 + 2 = 6$</p> <p>4) Жавобни ўқиймиз: олтмиш саккиз.</p> <p>Икки хонали сонларни қўшиш ва айришни қолган Ҳоллари шунга ўхшаш бажарилади. Унда асосий дикқатни ўнликдан ўтиб қўшишда дилда 1 ни сақлашни ёки унликдан ўтиб айришда 1 та ўнлик қарз бериб устига нуқта кўйишга қаратишлари лозим.</p> <p>3-топшириқ: билиш</p> <p>Ҳисоблаш усулини сонли ёзуви:</p> $23 + 50 = (20 + 3) + 50 = (20 + 50) + 30 = 70 + 3 = 73.$ <p>Берилган мисолда қўшишни кетма-кет бажаришни болаларни ёдда сақлашлари бир оз бўлсада қийинроқ кечад. Бундай Ҳолда учта таянч сўздан фойдаланамиз: алмаштириш ..., Ҳосил қиласиз ..., қулай... . Шунча кўра ўқувчи: 23 ни 20 ва 3 билан алмаштирамиз. $(20 + 3) + 50$ ни ҳосил қиласиз. 20 ва 50 ни қўшиш қулай, ниҳоят ятмиш уч ҳосил бўлади.</p>	
--	---	--

5.Ўзлаштириш фаолиятини сифат кўрсаткичларини диагностики

Мақсад:	Ёзма иш назорти иши; №!. 1). $20 + 34; 60 - 29$. 2)Футбол майдонида «Бунёдкор» командасидан бта, яна шунча «пахтакор» командасида ўйинчи бор. Ҳар иккала командада нечта ўйинчи бор? 3) $20 + 75 + 5; 4 + 39; 50 - (8 + 8); 83 + 60 + 7$ №2. 1) $80 - 40; 62 + 10$. 2) БаҲодирнинг қаламдонида 14 та, Бафурнида эса 6 тага кам рангли қалам бор. Иккаласида қанча қалам бўлган? 3). $63 - 0; 60 - (9 + 9); 70 - 40 + 8$ Тест ;
III-босқич. Интеллектуал ижодий фаолият	

	<p>Қутининг массаси 2 кг, олманинг массаси қутининг массасидан 18 кг га ортиқ. олма билан биргаликдаги аниқланг.</p>		<p>қутидаги Қутини массасини</p>
<p>Мақсад:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 100 ичида ўрганилган усуллар асосида сонларни устун шаклидаги қўшиш ва айришни амалга ошира билиш; 	<p>Натижали топшириклар: Кўргазмали топшириклар:</p> <div style="display: flex; justify-content: space-around;">    </div> <p>Эврестик топшириклар: Назарий асослашдан фойдаланила ҳисоблаш усулларини бажарилиши болаларда муваффакиятни кечади дастурда бу коида йигиндида кўшилувчиларни ўрнини алмаштириш кўринишида фойдаланилади.</p> <div style="display: flex; justify-content: space-around;">    </div> <p>Ўзини-ўзи назорат фаолияти</p> <p>3. Ҳисоблаш усули билан танишиш босқичи:</p> <ol style="list-style-type: none"> саноқ чўплари ёрдамида бажариш; схемалар бўйича моделлаштириш масалан, ўнлик деб учбурак ичидаги ўнта нуқтани жойлаштириш мумкин. Кейинчалик учбурчак деб ўнли тушириш мумкин бўлади: <p style="text-align: center;">... + = ...</p>	23	50

ИВ-босқич. Ўзлаштириш фаолиятини (баҳолаш) рейтинг назорати

Назорат тури: (Уй иши)	Рейтинг назоарти	
<p>Қисқа ёзув ёрдамида масала тузинг ва уни ечинг.</p> <p>1) Сотиб олди – ? 2) Сотиб олди – 12 кг</p> <p>Кесишли – 6 м Қолди – 4 м</p> <p>тест, ёзма назорат иш</p>	<p>Ўзини-ўзи баҳолаш</p>	<p>Рейтинг баҳолаш</p> <ol style="list-style-type: none"> Турдиева С., 2.Рахматова Г. Толиоева С., 4.Муродова Х. Солиева Ч. 6.Хамраев М. Курбонова Г. Самиев Х.

Бошланғич синфлар ўқувчиларида ўқув-интеллектуал уқувларни самарали ривожлантириш йўналишлари

Олинган машғулотларни таҳлил қилиб, бошланғич синфлар ўқитувчиларининг дарсларини таҳлилига таяниб ва ўқувчиларни кузатиш ва тестлаш натижаларини ҳисобга олиб, бизнинг фикримизча, бошланғич синф

ўқувчиларининг ўқув-интеллектуал укувларини ривожлантириш бўйича ишда амал қилиниши лозим бўлган асосий йўналишларни қайд этиш зарурдир.

Бошланғич синфлар ўқитувчилари учун конкрет тавсияларни муҳокама қилиб ўтишдан аввал таълим жараёнида амал қилиниши мақсадга мувофиқ бўлган асосий педагогик шароитларга яна бир марта тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Мактабда дарсларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши устидан бизнинг кузатувларимиз педагоглар ўз ишларида мазкур шароитларга ҳар доим ҳам амал қиласвермасликларини кўрсатди, шу сабабли биз уларга қисқача тўхталиб ўтамиш.

1. Педагоглар иши ҳам синергетика ғоялари, ҳам анъанавий қарашлар асосида, ўқувчилар ривожланишила табиатга мувофиқлик, маданиятга мувофиқлик ва мустақилликни ҳисобага олиб тузилган гуманистик тарбия тамойилларини қўшиб бориши асосида қурилиши лозим.

2. Ўқувчиларда ўқув-интеллектуал укувларнинг ҳар бирини самарали эгаллашга йўналтирилган, уларни ривожлантириш бўйича дарслар тизимини ишлаб чиқилиши зарур.

3. Турли-туман методлари: ўйинли, қисман-изланишли, тадқиқот методлари бирикмаларини қисман-изланишли ва тадқиқот иетодлари устиворлигida лойиҳалаш зарур.

4. Ўқув ишининг хилма-хил шакллари бирикмасини лойиҳалаш. Дарсларда фронтал ва индивидуал шакллар билан бир қаторда жуфтли, гурӯхли, индивидуаллаштирилган, индивидуаллаштирилган-гурӯхли шаклларни ҳам қўллаш лозим.

Мактабда таълим жараёнида ўқув-интеллектуал укувларнинг шаклланиш жараёни максимал самарали амалга оширилиши учун биз бошланғич синф ўқувчилари учун қуидаги бир қатор тавсияларга амал қилишни таклиф этамиш.

1. Ўқув-интеллектуал укувларни самарали ривожлантириш уларнинг характерли хусусиятлари ҳисобага олинишини назарда тутади:

- ўқув фаолияти структурасига мослиги бу структура элементлари фаолият вазифалари ва усулларини режалаштириш, мотивациялаш, саъй-ҳаракатларни ташкил этиш, ўзини ўзи назорат қилишдан иборат);

- билимларни ўзлаштирилиш жараёнига мувофиқлиги (у ўз ичига мақсадни қабул қилиш, ўзлаштиришни мотивациялаш, ўқув ахборотини идрок қилиш, уни англаш ва амалий операциялар бажариш, жорий ўзини ўзи назорат қилиш, ўзлаштириш натижаларининг якуний таҳлилини олади).

Дарсларда ҳар бир уқувни шакллантириш бўйича қуидаги йўналишларда фойдаланиш керак:

Фаолиятни мотивациялаш уқуви.

1. Дарс мавзуси ва мақсадини диққат билан тингланг.

2. Дарсда нимани билиб олишингизни ўйлаб кўринг.

3. Нимани ўрганишингизни ўйлаб кўринг.

4. Бу уқувлар қаерда керак бўлиб қолишини аниқлаб олинг.

Ахборотни диққат билан идрок қилиш уқуви:

1. Топшириқни эшитаётганингизда ёки тинглаётганингизда чалғиманг.

2. Топшириқни яна бир марта эшитинг ёки ўқинг.
3. Унда асосийни ажратинг.
4. Қилинадиган ишнинг кетма-кетлигини ёдингизга тушуринг.
5. Охирида нима ҳосил бўлишини ўйлаб олинг.

Материални онгли англаб, асосийни ажратиш, рационал эслаб қолиш уқуви:

1. Топшириқни диққат билан эшитинг ёки ўқинг.
2. Эшитган ёки ўқиганингиздан сиз нимани билиб олишингизни ўйлаб кўринг.
3. Ўқитувчи ёки топшириқ саволларига жавоб беринг.
4. Топшириқни яна бир марта тингланг ёки ўқинг.
5. Матнни қисмларга ажратинг, уларнинг ҳар бирида асосийни ажратинг ва товуш чиқариб айтинг.
6. Бутун матннинг асосий фикрини аниқланг ва уни товуш чиқариб айтинг.
7. Матннинг ҳарбир қисмининг асосий фикрларини эсга тушириб, бутун матнни тақорорланг.

Топшириқни мустақил бажариш уқуви:

1. Топшириқни диққат билан тингланг ёки ўқинг.
2. Сиз уни қайси кетма-кетликда бажаришингизни ўйлаб кўринг.
3. Иш охирида нима ҳосил бўлишини аниқланг.
4. Топшириқни қунт билан бажаринг.
5. Қийналганингизда ўз ишингизни намуна билан солиштиринг.

Фаолиятни ўзи назорат қилишни амалга ошириш уқуви:

1. Бажарилган ишни диққат билан кўриб чиқинг.
2. Ишни намуна билан солиштиринг.
3. Хатоларни топишга ва тўғрилашга ҳаракат қилинг.
4. Ўз ишингизни мустақил баҳолашга ҳаракат қилинг.

Шунингдек, кейинчалик юқорироқ тартибли ўқув-интеллектуал уқуви бўлган ўзи мустақил билим олиш уқувини муваффақиятли шакллантириш учун дарснинг ҳар бир босқичида ва ҳар бир топшириққа нисбатан юқорида кўрсатилган уқувларнинг ҳар бирини мажмуавий ва уларнинг логик изчилигида ривожлантирилиши зарур.

Ўқув-интеллектуал уқувини ривожлантириш бўйича ишни ташкил этиш ўқитувчи томонидан танлаб олинадиган материал ҳар бир ўқувчининг ривожланиш даражасига, унинг ақлий ривожланиш хусусиятлари ва иш қобилиятига мўлжалланган бўлишини назарда тутади. Бошланғич синфлар ўқитувчилари ўқувчиларнинг уқувлари ва тафаккур фаолияти малакалари, ақлий сифатлари, масалалар ечишни излашда мустақилликни шакллантириш билан боғланган тўлақонли ақлий ривожланишни таъминловчи шароитлар яратишлари зарур.

Ўқувчининг муаммоли вазиятни ўзига хос кўринмас намоён бўладиган мустақил тафаккурини самарали ривожлантириш учун ҳар бир ўқувчининг тафаккур фаолияти хусусиятларини ҳисобга олувчи индивидуал ёндошув зарур. Болаларда фаол, изланишли тафаккурни ривожлантириш нотипик, ностандарт, баъзан бир неча ечилиш усулларига эга бўлган масалалар, логик ўйинлар ва бошқотирмаларни ўйинли ўқитиш методлари сифатида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Дарсларни режалаштиришда ўқув ишининг ҳар бир шакли педагог бошқаруви билан детермитранган ўз ички характеристикаларига ва, шунингдек, маълум афзалликлар ва камчиликларга эга, ўқув иши ҳар бир шаклининг афзалликларини ҳисобга олиш ва уларнинг оптимал бириқувини лойиҳалаш ўқувчилар ўқув-интеллектуал уқувларининг ривожланишига ёрдам беради. Биз ўқув-интеллектуал уқувларнинг муваффақиятли шакллантирилишида ўқитиш методлари ва ўқув иши шаклларининг оптимал бириқмасини таълим жараёни бўғимини ҳисобга олиб лойиҳалаш ёрдам беришини исботладик.

Янги билимларни шакллантириш бўғинида қуидагилар муваффақиятли кўлланилади:

- фронтал+индивидуал; фронтал-индивидуаллаштирилган+гуруҳли;
- муаммоли баён қилиш+қисман-изланишли методлар.

Билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни бўғинида:

- жуфтли-индивидуаллаштирилган; гуруҳли+индивидуал иш шакли;
- ўйинли методлар+қисман-изланишли; билиш масалаларини ечиш + ўйинли методлар.

Ўқув материалини тақоролаш бўғинида:

- фронтал+жуфтли; фронтал+индивидуаллаштирилган-гурхли; муаммоли баён қилиш+ўйинли методлар; репродуктив методлар+муаммоли баён қилиш.

Ўй вазифасини назорат қилиш бўғинида:

- фронтал+жуфтли; фронтал-индивидуаллаштирилган+гуруҳли;
- репродуктив методлар+ўйинли методлар.

Янги билимларни кўллаш бўғинида:

- фронтал-гуруҳли; фронтал-индивидуаллаштирилган-гуруҳли, қисман-изланишли+тадқиқот; қисман-изланишли+ўйинли; тадқиқот+ўйинли.

Шундай қилиб, Бошлангич синф ўқувчиларининг ўқув-интеллектуал уқувларнинг муваффақиятли ва самарали ривожланишига дарслар тизимини гуманистик тарбия тамоилларига таяниб, дарслар тизимини тегишлича ташкил этиш, хилма-хил ўқитиш методлари ва услублари (хусусан, қисман-изланишли тадқиқот методлари) ҳамда ўқув иши шакллари (индивидуал ва фронтал шакллар билан бир қаторда – индивидуаллаштирилган, жуфтли ва гуруҳли шакллар) бириқмасини лойиҳалаш ёрдам беради.

**Ўқувчиларида ўқув-интеллектуал уқувларни
ривожлантиришга оид топширқилар
бошлангич мактаб ўқитувчиси ва ўқувчисининг ўқув-интеллектуал
уқувларни ривожлантириш бўйича фаолияти
алгоритми**

Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
<p>ЎИУнинг шаклланганлик даражаси қуидаги мақсадда ташхислаш:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Шаклланганлик даражасини аниқлаш (назорат кесимлари).2. Ёрдамчи мухтоҷ ўқувчилар гурухларини ажратиш.	

2. Ўқувчилар олдига вазифаларни қўйиш ва унинг қабул қилиниши.	Тегишли уқувларнинг эгалланишини талаб қилувчи вазифаларни қабул қилиш, уқувни эгаллаш зарурлигини англаш (фаолият мотивацияси).
3. Ўқувни эгаллаш бўйича фаолият усуллари тўғрисида йўриқнома бериш	Уқув мазмунини ўзлаштириш; уни эгаллаш учун зарурий саъй-харакатлар, операциялар характери ва кетма-кетлигини эгаллаш.
4. Уқувни ўқув иши шаклларини алмаштириш ҳамда ўқитишнинг ҳар хил методлари ва услубларини биректиришни ҳисобга олиб қурилган ўқув-қилиш фаолияти давомида амалий машқ қилиш босқичи	Уқувни машқ қилиш бўйича амалий саъй-харакатлар, операциялар, машқларни бажариш
5. Бу жараённинг бориши устидан тезкор (оператив) назорат	Уқувни эгаллаш даражаси устидан ўзини ўзи жорий назорат қилиш
6. Олинган билимларни хилма-хил амалий вазиятларда, ўқув ишнинг турли шаклларида қўллаш босқичи	Уқувни машқ қилиш бўйича тўғриловчи (коррекцияловчи) саъй-харакатлар, уқувларни типик вазиятларда қўллаш; уқувларни ностандарт вазиятларда қўллаш
7. Уқувни мустаҳкамлаш босқичи	Уқувдан кундалик амалий фаолиятда фойдаланиш йўли билан уни чукурлаштириш ва янада автоматлаштириш

Биринчи синфда ўқувчиларнинг ҳали ҳаммаси ҳам ўқиши билавермаслигини ҳисобга олиб, ўқитувчи мазкур ишни ўқувчилар фикрлашларининг ҳамма босқичларини ва операцияларини аниқ талаффуз билан амалга оширади. Бу ўқитувчи учун ўз ўқитиш саъй-харакатлари режасини аниқ тасаввур қилишнигина эмас, балки уни ўқувчиларда онгли шакллантиришни ҳам билдирад эди. Иш мактаб ўқувчиларининг билимлари ва тажрибаси асосида, тушунарли материалда ташкил қилинди ва босқичма-босқич олиб борилди. Ўқув-интеллектуал уқувларни шакллантираётib ва биз ишлаб чиқсан эсдалиkn кирити бориб, ўқитувчи дарсда ишни айrim босқичлар билан ҳам, эсдаликлар билан ҳам режалаштириди.

Ўқувчининг ўқув-интеллектуал уқувни эгаллашдаги саъй-харакатлари алгоритми

ЎИУ	Саъй-харакатлар алгоритми (эсдалик)
1. Фаолиятни мотивациялаш уқуви	<ol style="list-style-type: none"> Дарс мавзуси ва мақсадини диққат билан тингланг. Дарсда сиз нимани билиб олишингизни ўйлаб кўринг. Нимани ўрганиб олишингизни ўйлаб кўринг. Бу уқувлар қаерда керак бўлиши мумкинлигини аниқлаб олинг.
2. Ахборотни диқ-	<ol style="list-style-type: none"> Топширикни эшитаётганингизда ёки ўқиётганингизда

қат билан идрок қилиш	чалғиманг. 2. Топшириқни яна бир марта тингланг ёки ўқинг. 3. Қилинадиган иш кетма-кетлигини эсланг. 4. Охирида нима ҳосил бўлишини ўйлаб кўринг.
3. Материални логик англаб, асосийни ажратиш, рационал эслаб қолиш	1. Топшириқни диққат билан эшитинг ёки ўқинг. 2. Эшитган ёки ўқиганингизда нимани билишингизни ўйлаб кўринг. 3. Ўқитувчи ёки топшириқ саволларига жавоб беринг. 4. Топшириқни яна бир марта эшитинг ёки ўқинг. 5. Матнни қисмларга бўлинг, уларнинг ҳар биридаги асосий нарсани ажратинг ва уни товуш чиқариб айтинг. 6. Ҳамма матннинг асосий фикрини аниқланг ва уни товуш чиқариб айтинг. 7. Ҳамма матнни, ҳар бир қисмнинг асосий фикрларини эслаб, такрорланг.
4. Топшириқни мустақил бажаринг.	1. Топшириқни диққат билан эшитинг ёки ўқинг. 2. Уни қандай кетма-кетликда бажаришингизни ўйлаб кўринг. 3. Иш охирида нима ҳосил бўлишини ўйлаб кўринг. 4. Топшириқни қунт билан бажаринг. 5. Қийналганингизда ўз ишингизни намуна билан таққосланг.
5. Фаолиятни ўзи назорат қилишни амалга ошириш	1. Бажарилган ишга диққат билан қаранг. 2. Ишни намуна билан солишириинг. 3. Хатоларни топиш ва тўғрилашга ҳаракат қилинг.
6. Ўзи мустақил билим олиш уқуви	Ҳар бир топшириқларни бажаришдан олдин қуйидагиларга амал қилинг: 1. Нимани ўрганишингизни ва бу билимлар сизга қаерда керак бўлишини ўйлаб кўринг. 2. Диққатли бўлинг. 3. Топшириқни бажаришни қунт билан ўйлаб олинг, асосийни ажратинг. 4. Охирида нима ҳосил бўлишини ўйлаб олинг ва ҳамма ишни мустақил бажаришга ҳаракат қилинг. 5. Ишни намупа билан солишириинг, хатоларни ўзингиз топинг ва тўғрилашга ҳаракат қилинг.

Маълум мавзуу ва тип асосидаги ҳар бир дарс қуйидагиларни пухта ўйлаб олинишини назарда тутади:

- конкрет дарснинг ўқитувчи учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам вазифалари; ўқув-интеллектуал уқувларни ривожлантириш масалаларини ўз ичига оловчи дарсдаги ишнинг мазмуни;
- ўқув-интеллектуал уқувларни муваффақиятли эгаллашга йўналтирилган ўқитиши методлари бирикмаси; мазкур гурӯҳ уқувларининг шаклланишига оптимал ёрдам берадиган гуманистик тарбия тамойиллари бирикмаси.

Иккинчи синф ўқувчиларида ўқув-интеллектуал уқувларни ривожлантириш бўйича ишни биз ҳам ҳар бир дарсда ўтказдик ва бу кўрсатилган уқувларни ўқувчиларнинг билимларини ўзи мустақил ташкил қилиш уқувини шакллантириш мақсадида ҳар бир босқичга ва топшириқقا нисбатан мажмуавий қўлланишга ҳаракат қилдик. Масалан, биринчи дарс: “□+3 ҳолларда қўшиш”да экспериментал синф ўқитувчиси мазкур уқувлар гурӯхини ривожлантириш бўйича ишни уларнинг берилган кетма-кетлигига, бироқ қандайдир конкрет ўқувчи урғу бериб ўтказди. Бу урғу бир қатор сабабларга боғлиқ эди:

1. Дарс босқичи (масалан, янги билимларни киритиш босқичида фаолиятни мотивлаштириш, диққатли, материални логик англаш уқувларини ривожлантириш, уқувларни назорат қилиш босқичида ўқув фаолиятида мустақил бўлиш ва ўзини ўзи назоратни амалга оширишни ривожлантириш энг самарали бўлар эди).
2. Ўқув иши шаклининг танланишига (масалан, билимларни шакллантириш босқичида биринчи ҳолда фронтал ва индивидуал шаклларни мажмуалаштириш оптимал бўлса, дарснинг охирги босқичида мазкур уқувларни ривожлантириш индивидуаллаштирилган ва жуфтли иш шакллари самарали бўлиб чиқди).

Иккинчи ўқувчиларида ўқув-интеллектуал уқувларни дарслар тизимида
шакллантириш

Ўқув мавзуси, дарс мавзуси	Вазифалар		№	Модул			
	Ўқитувчи учун	Ўқувчилар учун		Ўқув-интеллектуал уқувлар			
				Кири- тиш	Шакллан- тириш	Ривожлан- тириш	
Турли ҳолларда қўшиш ва айиришнинг турли услублари билан; ҳар хил ҳоллар учун қўшиш ва айириш жадваллари билан таништириш	10 ичида қўшиш ва айиришнинг турли услублари билан; ҳар хил ҳоллар учун қўшиш ва айириш жадваллари билан таништириш	10 ичида сонларнинг 2 та ва ундан ортиқ қўшилувчилари дан иборат таркибини ўзлаштириш					

4. $\square + 2$ хол- ларда кўшиш	Сонларнинг 2 та қўшилув- чидан иборат таркиби тўғрисида билимлар бериш; 10 ичида иккита сонни қў- шишнинг янги услуби- ни киритиш		4	Янги матер иални логик анлаб, асоси йни ажрат иш	Ўзини ўзи назорат қилиш фаолияти ни амалга ошириш	Ахборотн и дикқат билан идрок қилиш
--	--	--	---	--	---	---


3. Ўқитиши методларининг танланишига (билимларни шакллантиришда ўқитувчи қисман-изланишли ва ўйин методлари, муаммоли саволларни назорат босқичида эса ўқув фаолиятини ва ўзини ўзи назорат методларини муваффақиятли қўлланди. Ҳар қандай ўқув-интеллектуал уқувига нисбатан ўқитувчи биз ишлаб чиқсан эсдалик қўлланди).

4. Гуманистик тамойилларнинг бирлашмасидан уларнинг ривожлантирувчи салоҳиётини ҳисобга олган ҳолда (масалан, фаолиятни мотивациялаш, ўқув материалини англаш уқуви муваффақиятли ривожланадиган билимларни шакллантириш босқичида ўқув ахборотининг очиқлиги тамойили муваффақиятли бўлиб чиқди, бунда ўқув ахборотининг очиқ кўринишда бермасдан, балки унга кашфиёт тусини ва меҳнатнинг мотивацияланган тамойилини


МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ- НИНГ ЎҚУВ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Мавзу: Арифметик амаллар бажариш мустаҳкамлаш.

1 Rasmdagi strelka uchiga qanday sonni yozishni bilasizmi?



2 "5 soni 1 dan katta" ekanligini tushuntiring:



5 soni 1 dan 4 birlik o'ngda joylashgan, demak $5 > 1$

$$\begin{array}{r}
 \times 627 \\
 \times 34 \\
 \hline
 + 2508 \\
 \hline
 1881 \\
 \hline
 21318
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 \times 4105 \\
 \times 612 \\
 \hline
 + 8210 \\
 + 4105 \\
 \hline
 24630
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 \times 3341 \\
 \times 19000 \\
 \hline
 + 30069000 \\
 + 3341 \\
 \hline
 63479000
 \end{array}$$

5 627•34 hisoblang:

$$\begin{array}{r}
 \times 627 \\
 \times 34 \\
 \hline
 + 2508 \\
 \hline
 1871 \\
 \hline
 21218
 \end{array}$$

627 sonini 4 ga
ko'paytirib
2508 ta birlikni
hosil
qilamiz.

$$\begin{array}{r}
 \times 627 \\
 \times 34 \\
 \hline
 + 2508 \\
 \hline
 1871 \\
 \hline
 21218
 \end{array}$$

627 sonini 30 ga
ko'paytirib
18710 ta birliq
yoki 1871 ta o'nilikni
hosil qilamiz.

$$\begin{array}{r}
 \times 627 \\
 \times 34 \\
 \hline
 + 2508 \\
 \hline
 1871 \\
 \hline
 21218
 \end{array}$$

ko'payuvchi
ko'paytuvchi
natijaning birinchi qismi
natijaning ikkinchi qismi
natija.

Darsning borishi: 318+471 yig'indini toping:

$$\begin{array}{r}
 + 318 \\
 + 471 \\
 \hline
 9
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 + 318 \\
 + 471 \\
 \hline
 89
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 + 318 \\
 + 471 \\
 \hline
 589
 \end{array}$$


8ta bir + 1ta bir = 9ta bir 1ta o'n + 7ta o'n = 8ta o'n = 80ta bir 3ta yuz + 4ta yuz = 7ta yuz = 700ta bir

$$\begin{array}{r}
 + 318 \\
 + 471 \\
 \hline
 780
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 + 78 \\
 + 9 \\
 \hline
 789
 \end{array}$$

Дарс типи: ўрганилганларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш.

Ўқитувчи:

Мавзуу: Геометрик шаклларни ва уларнинг хусусиятларини билишни мустаҳкамлаш.



Дарс типи: Ўрганилганларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш.

Вазифалар: Геометрик шаклларни билиш, берилган геометрик шакллардан нақшлар тузиш, геометрик шаклларни турли усуллар билан ўзгартириш укувини ривожлантириш, масъулиятлилик, хайрихоҳликни, жамоада ишлаш укувини тарбиялаш.


Дарс босқичлари	Вақт	Ўқитиш методлари	Иш мазмуни	Ўқув иши шакллари
1. Ташкилий босқич	1 мин	Фаолиятни мотивациялаш ва амалга ошириш	Ўқитувчи мавзууни дарс мақсадини хабар қиласи, ўқувчилар фаолиятини мотивациялашни амалга оширади	Фронтал
2. Билимларни долзарблаштириш	10 мин	Муаммоли баён қилиш	Ўқитувчи ўқувчилар билан муаммоли саволлар асосида сұхбат ўтказди. Геометрик шакллар турли нақшларда “яширинганды”	Фронтал, гурухлы

			бўлиши мумкинми?	
3. Билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш	4 мин	Қисман изланишли-тадқиқотли	Ўқитувчи ўқувчилар билан бирга бир неча қорчалар намунасини тузадилар. Турли геометрик шакллардан нақш тузиш усулларини, бир геометрик шаклдан бошқасига ўзгартиришни муҳокама қиласи.	Фронтал
4. Билимларни қайта тиклаш ва фаолият усулларини эгаллаш	25 мин	Қисман изланишли	Ўқувчилар групкаларда мустақил ишни бажаришади. Ҳар бола индивидуаллаштирилган топшириқ бўйича ишлайди. Ҳар бир груп иштирокчилари билимларни, фаолият усуллари тўғрисидаги ахборотни алмашишади. Бир-бира га ёрдам кўрсатишади.	Групхли, индивидуаллаштирилган
5. Ўқувчилар билимлари, уқувлари ва малакаларини назорат қилиш	5 мин	Фаолиятни, назорат, ўзини ўзи назорат қилиш методлари	Ўқитувчининг болалар ишларини ўқувчилар билан таҳлил қилиш амалга оширилди. Дарс якунини чиқариш. Ўқувчилар фаолиятини баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш	Групхли, фронтал


Назорат синифида математика дарсини ўтказиш 2-режа-конспекти

Мавзу: Арифметик амаллар бажариш мустаҳкамлаш.

Sonli o'qda qo'shish va ayirish amallarini bajarish mumkin.




Darsning borishi: nurda A(2) va B(8) nuqtalarni belgilang. Ular orasida necha birlik kesma bor?



A va B nuqtalar orasidagi masofa hisoblash yordamida qanday topiladi?

Sonlar o'qidagi ikki nuqta orasidagi masofani topish uchun, katta koordinatasidan kichigini ayirish kerak.



$$\left. \begin{array}{r} \times 3134 \\ \times 5008 \\ \hline 1567 \\ \hline 15695072 \end{array} \right\} + 00000 = \left. \begin{array}{r} \times 3134 \\ \times 5008 \\ \hline 1567 \\ \hline 15695072 \end{array} \right\} + \left. \begin{array}{r} \times 1634 \\ \times 405 \\ \hline 6536 \\ \hline 661770 \end{array} \right\}$$

Darsning borishi: 83-27 ayirmani hisoblang:

$\begin{array}{r} 7 \ 13 \\ - 83 \\ \hline 56 \end{array}$	3 rakamiga 8 ta o'nlikdan bitta o'nlik qo'shamiiz 80 ta birlik yoki 8 ta o'nlikdan 7 ta o'nlik yoki 70 ta birlik qoladi
--	--

Shunday qilib,

$$13 - 7 = 6 \text{ ta bir}$$

$$7 - 2 = 5 \text{ ta o'nllar qoladi}$$

Sinfda ushbu masalalar yechiladi:

2 692 – 456 ayirmani topaylik:

$$\begin{array}{r} 8\ 12 \\ \underline{- 6\ 9\ 2} \\ 4\ 5\ 6 \\ \hline 2\ 3\ 6 \end{array}$$

2 ta birga 90 ta o'ndan bitta o'nlik qo'shamiz va 6 ni ayiramiz, bu ayirmani oxirgi raqami bo'ladi.
8 ta o'nlikdan 5 ta o'nlikni ayinib 30 ta birlik yoki 3 ta o'nlik hosil qilamiz, bu ayirmani ikkinchi raqami bo'ladi.

Shunady qilib,

$$12 - 6 = 6 \text{ ta bir}$$

$$8 - 5 = 3 \text{ ta o'n}$$

$$6 - 4 = 2 \text{ ta yuz bo'ladi.}$$

3 52093 – 4167 ni xisoblang:

$$\begin{array}{r} 4\ 11 \\ 1\ 10\ 8\ 13 \\ \underline{- 5\ 2\ 0\ 9\ 3} \\ 4\ 1\ 6\ 7 \\ \hline 4\ 7\ 9\ 2\ 6 \end{array}$$

9 ta o'nlikdan bitta o'nlik ayirilib 8 ga o'nlik qoladi.

$$10 + 3 = 13 \text{ ta bir}$$

$$13 - 7 = 6 \text{ ta bir}$$

$$8 - 6 = 2 \text{ ta o'n}$$

2 ta mingdan 1 taligni olamiz va 1 ta yuzlikni ayiramiz.

$$10 + 0 = 10 \text{ ta yuz}$$

$$10 - 1 = 9 \text{ ta yuz}$$

5 ta 10 mingdan 1 ta o'ng ming olib 4 ta minglingini ayiramiz.

$$10 + 1 = 11 \text{ ta ming}$$

$$11 - 4 = 7 \text{ ta ming}$$




$$4 - 0 = 4 \text{ ta o'n ming}$$

4 Mashqni ya'ni 20000 – 589 ni bajarilish tartibini tahlil qiling.
Fikringizni asoslang.

$$\begin{array}{r} 1\ 8\ 9\ 9\ 10 \\ \underline{- 2\ 0\ 0\ 0\ 0} \\ 5\ 8\ 9 \\ \hline 1\ 9\ 4\ 1\ 1 \end{array}$$

Ўқитувчи:

Мавзу: Геометрик шаклларни билишни мустаҳкамлаш



Мақсад. Асосий геометрик шаклларни билишни мустаҳкамлаш. Диққатни

ривожлантириш.

Дарс босқичлари	Вақт	Үқитиш методлари	Иш мазмуни	Ўқув иши шакллари
1. Ташкилий босқич	1 мин	Сўзли	Дарс мавзуси ва мақсадиди хабар бериш	Фронтал
2. Билимларни долзарблаштириш	4 мин	Репродуктив-сўзли	Асосий геометрик шаклларни билишни мустахкамлаш мақсадида ўқувчилар билан сұхбат	Фронтал
3. Билимларни мустахкамлаш ва такомиллаштириш	8 мин	Тушунтиришл哩и иллюстратив	Ўқитувчи дарсни дарслик бўйича ташкил этади. Ишни дафтарларда бажариш усулларини кўрсатади ва тушунтиради	Фронтал
4. Билимларни қайта тиклаш ва ўқувчиларнинг фаолият усулларини эгаллаш	20 мин	Репродуктив-амалий	Болалар дарслик бўйича ва дафтарларида мустақил ишлашади. Хилма-хил геометрик шакллардан хоҳишлири бўйича нақш тузишади. Зарурий бўлганда ўқитувчи ишда индивидуал ёрдам кўрсатади	Индивидуал
5. Ўқувчилар билимлари, уқувлари ва малакаларини назорат қилиш	7 мин	Репродуктив, сўзли, кўргазмали	Ўқитувчи болалар ишининг таҳлилини ўтказади, дарсни якунлайди ва ўқувчилар фаолиятини баҳолайди	Фронтал

Болалар фаолияти, хулқ-атвори, ўқув-интеллектуал укувларининг ривожланиш динампкасида содир бўлган ўзгаришларни қайд қилиш учун биз назорат кесимларини ўтказдик. Улар ёрдамида назорат ва экспериментал синфлар сина-лувчиларида дарсларга нисбатан содир бўлган ўзгаришлар қайд этилди.

ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА

Мавзу : Ўтилганларни такрорлаш. Таққослаш.

Дарснинг мақсадлари:


- 1) катта кичик, тенг муносабатлари, қўшиш ва айиришни текшириш усуллари, геометрик тасавурларни шакллантириш;
- 2) арифметик амалларни оредметлар орқали таққослаш амал комоонентлари орасидаги бойланишларга бойлик таркибли масалалар ечиш усуллари.
- 3) Режалаштириш босқичида зарур булган фикрлаш усуллари..

Дарсни лойиХалаш: анализ ва синтез, умумлаштириш


Күргазмали материал:

2) Тоққослаш белгилари : < =


3) оредметлар орқали сон ва саноқ тушунчасини мустаҲкамлаш



4) Кесама тушунчаси орқали таққослаш усуллари:



5) Билимларни текшириш:



6) Жадвал усулида:

Сонларни таққосла.

7) навоаттаги босқич жадвали:


Жуф-жуфт предметларни таққослаш.

Хулоса қилиш.

Жуфт булмаган предметлар саногини таққослаш

Натижаларни жадвалсиз арифметик амал орқали ифодалаш


8) Тарқатмали материал орқали таққослаш:



9) тасма ёрдамида таққослаш:




10) Чизма ёрдамида айирмани аниқлаш:




$$U = K - Q$$


12) Билимларни текшириш усун таққослаш қоидаларини кўллаш:



11) Жұфтликлар орқали



таққослаш:




$$4 - \boxed{2} = \boxed{2}$$

13) катта сонни түишиңи йиғинди билан ифодалаш:

$$\mathbf{U} = \mathbf{K} + \mathbf{Q}$$

14) кичик сонни түишида йирма билан ифодалаш


15) Ишонч Ҳосил қилиш технологияси учун танлаш усули:




$$\mathbf{U} = \mathbf{K} - \mathbf{Q}$$

Тарқатмалы материал:


1) Ўқув жараёнини активлаштиришда амалларни танлаш учун күргазма



2) 6 та олма 9 та юлдузча :



3) Мустакил ишлаш учун күргазма:



Доскада түшириқни шеорий усулда баён қилиш

*Мен бүш катак номаъумман,
Жұмбоқ муаммога
лиммо-лим ман,
Сиримни очинг, атрофга сочинг !*

– Болалар шеорни мазмунига дікқат қилинг.

Болалар шерони үқийди.


— муҳим муаммоли мазмун нимада, нимани сўралаяпти, нима экан у, болалар бу буш дача-ку, нима қиласиз, керакли белгини ёзамиз.....

$$> \boxed{\quad} < \boxed{\quad} = \boxed{\quad}$$

— Доскага диққат қилинг (Ўқитувчи карточкаларни доскага илиб қўяди)

2. Билимларни мустаҳкамлаш.

1. Таққослашга оид кесмаларни ўлчовини ёзинг ва чизмадабелгиланг
2. Кўргазмадаги тасвир орқали таққослашини баҳарин мөҲиятини тушуунитирингг.




- Дам олиш дақиқаси: «Тун ва кун» ўйини.
Ҳисобланг ва натижани айтинг?
 $2 + 7 - 8 + 5 - 4 - 1 + 6 - 3 - 2 - 1$.
- Жавоб. (1.)
- Кимда жавоб бошқача?...?

Кимда-ким қўл кўтарса ўқитувчи таҲлил қилиб савол беради..

0 1 2 3 4 5 6 7 8 9


- Қайси амаллари бажардингиз?
(Кўшиш ва айришни.)

Расмга диққат қилинг, нима тасвирланган?



- Нима қилиш керак? (ордметлар ёрдамида сон ва саноқни таққосланг.)
- Топшириқни қандай бажарамиз? (алгоритмини айтамиз.)
-

Ушбу расмга қараб мустақил фикрланг, буни қандай бажарасиз?



(Нима тасвирланган, нима кўп ёки камлини айтишади.)

- Ниманги бажардингиз? (тақослаш алгоритмини.)
- Энди тушуганингиз бўйича арифметик ифода тузамиз.
(Сонлар кассасидан сонларни ва амал белгиларини олиб ифода тузишади). Яхши иштирок этга

ўқувчилар рейтинг бали эолон қилинади

3. Айрим қийинчиликтар сабабини ўрганиши.

– Кандай түшириқ бажаришингиз керак эди? Ким учун қийинчилик туғилди?

Мустақил топшириқ билан мустаҳкамлаймиз...

4. Ўзлашимаган ўқувчилар билан ишилаши ва дарсни мустаҳкамлаши чора таdbирлари.

Дарсда ўз олдингизга қандай мақсад қўйдингиз? Дарс мақсадини айтинг?

Taqqoslash

Дасни мустаҳкамлашу учун бир нечата ўқувчи рейтинг баҳоланади ва топшириқлар бажарилади:

1 - кўргазмалар танланг, жуф-жуф оредметлардан ва тоқ оредметлардан иборат бўлсин, Ҳар бир оредметни келгусида ўнликлар билан белгилаш, ифодалаш мумкин бўлсин


2 - вазифани аниқланг,

3 - арифетик амал бажариш мумкин бўлсин?

4 Хулоса қилинг


5. Муаммоли вазиятлардан чиқиши.

– Таққослай оласизми.



– Ҳа .

Нечата олма бор? 9 та :




– Нечата юлдузча бор? (6 та.)


– Нима ортиб қолди? (3 та олма.)

– Қандай арифметик амал бажарамиз ?
(Айиришни Ҳадлари орқали: $9 - 6 = 3$.)


Жуфталари нечата:




– тасма ёрдамида йўамиз.



– Тасма билан ҳар иккаласини кўйамиз.




- Таққосланг қайси бири узун, қайси бири қисқа?
- Нима учун? (Олмалар юлдузчага нисбатан күп әди.)



Досқада: Узун = Катта – қисқа.
Демак, схемада бажара оласизми?


- Күп (узун), Кам (қисқа)
- Текширинг.**




Тасмалар орасидаги фаркни түйнг?

- буни қандай бажарасиз?

Досқада расмга қараб бир ўқувчи бажаради




- Узундан қисқасини айирамиз.
Буни қандай бажарасиз?




Шунга доир чизма чиза оласизми?
Узун қисқа тушунчасини катар, кичик муносабати билан боғлай оласизми?

6. Мұстақил иш үчүн топшириқлар.


Амал бажариш қоидасини түшүнтириңг, нимага асосландынгиз?



7. Құшимча топшириқлар якка тартибда ўқувчилар билан ишилаш учун.




Мулоҳаза қилинг.



8. Текшириши учун түшириқлар.

Хулоса қилинг...



9. Ўқув жараёнидаги рефлексия ҳолати.

Қандай янги билим олдингиз.
Натижани халықаралық қилинг



Ўқитувчи, Дарснинг технологик
харитасига дикқат қилинг

Дарс намунаси кейинги машъулотлар учун тўлиқ ёритамиз

Darsning texnologik xaritasi

Mavzu: Ko'pburchak perimetri. Siniq chiziqning bo'g'inlarini aniqlash, ularning uzunliklarining yig'indisini topish.

Soatlar soni: 1 soat.

Mavzuning qisqacha ta'rifi: To'g'ri to'rtburchak haqida o'zlashtirgan bilimlarini puxtalash. Ko'pburchak perimetri, siniq chiziqni bo'g'inlarini topishva ularning uzunliklar yig'indisini aniqlashga o'rgatish.

O'quv bilish faoliyati:

Metod: aqliy hujum, kommunikatsion metoddan foydalanish, didaktik o'yin, muammollı izlanish, musobaqa.

Shakl: Jamoa, guruh bilan va har bir o'quvchi bilan ishlash.

Jihoz: Matematika darsligi, mavzu asosida ko'rgazmali materiallar, geometrik shakllar.

Nazorat: Bolalarning darsda faolligi kuzatilib, hisobga olib boriladi.

Baholash: O'quvchilar reytingi dars oxirida e'lon qilinadi.

Darsning maqsad va vazifalari

Maqsadlar:

Ta'limiylar: a) o'quvchilarni to'g'ri to'rtburchak haqida egallagan bilimlarini boyitib borish;

b) ko'pburchakning perimetri haqida bilim berish;

c) o'quvchilarning fikrlash qobiliyatini, qiziqishini, mantiqiy tafakkurini o'stirish, aqlini charxlash.

Tarbiyaviy: a) har bir matematik muammolarni ahillik, birodarlik, hamjihatlik, hozirjavoblik bilan bajarish fazilatlarini tarbiyalash.

Darsning rivojlantiruvchi qismi: O'quvchilarni bilimdon, zukko bo'lishga, hayotdag'i har bir narsani qadrlashga, unga mehr bilan yondashishga, muammoli vaziyatdan chiqish uchun ko'proq o'z ustida izlanishga chorlash.

Kutilayotgan natija

O'quvchilar dars yakunida ko'pburchakning perimetrini topish haqida bilimga ega bo'ladilar.

Dars jarayoni va texnologiyasi

Ishning nomi	Bajariladigan ish mazmuni	Metod	Vaqt
1-bosqich. Tashkiliy qism	Darsni tashkil etish. Navbatchi o'quvchining axborotini tinglash. Sinfning darsga tayyorligi tekshiriladi.	kommu-nikatsion metod	3 daqiqa
2-bosqich. (Reflek-siya) ehtiyojlarni aniqlash	Dars shiori ishlab chiqiladi. Dars davomida rioya qilish kerak bo'lgan qoidalar belgilanadi.	interaktiv metod	2 daqiqa
3-bosqich. Darsning borishi	1. Uy vazifasini ko'rib, baholash. 2. O'tilgan mavzuni mustahkamlash.	savol-javob didaktik o'yin	3 daqiqa 4 daqiqa
	3. Dam olish daqiqasini o'tkazish. 4. Yangi mavzuni bayon etish. Ko'pburchak perimetrini topish haqida bilim berish (qoidasi bilan tanishtirish). 5. To'rtburchak perimetrini topib, daftariга chizdirish. 6. Misol, masalalarni og'zaki va yozma ravishda bajarish.	qo'shiq evristik metod amaliy mashg'ulot muammoli izlanish	2 daqiqa 8 daqiqa 6 daqiqa 10 daqiqa
4-bosqich. Mustah-kamlash	Siniq chiziqlarning bo'g'inlarini aniqlashga doir amaliy mashg'ulot o'tkazish orqali mavzu mustahkamlanadi.	amaliy mashg'ulot	3 daqiqa
5-bosqich. Baholash	1. O'quvchining darsda ishtiroki hisobga olinib, reytingi e'lon qilinadi. 2. Dars yakunlanadi.	musobaqa	1 daqiqa 1 daqiqa
6-bosqich. Baholash	Uyga vazifa 6-misol.	tushuntirish	2 daqiqa


Darsning borishi:

1. Uy vazifasini tekshirish. 6-misol.
